



#### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> September 2024  
Accepted: 19<sup>th</sup> September 2024  
Online: 20<sup>th</sup> September 2024

#### KEYWORDS

Central Asia, Russian Empire, Turkestan, animal husbandry, Kashkadarya, oasis, tradition, A.P. Khoroshkhin, A. Shakhnazarov, V.N. Ogloblin.

## DESCRIPTION OF TURKESTAN CATTLE BREEDING IN THE WORKS OF RUSSIAN RESEARCHERS (IN THE CASE OF THE KASHKADARYA OASIS)

**Khursanov Abdulvohid Alikul ugli**

The director of "Golden Sensible mind",  
abdulvohidxursanov@gmail.com  
+998939308010

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13802457>

#### ABSTRACT

*This article examines information written by Russian researchers about the state of livestock farming in Turkestan in the second half of the 19th - early 20th centuries. The information presented in it was also examined using the example of the Kashkadarya oasis based on a number of scientific literature.*

## РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА ТУРКИСТОН ЧОРВАЧИЛИГИ ТАВСИФИ (ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

**Xursanov Abdulvohid Aliqul o'g'li**

"Golden Sensible mind" NTM rahbari  
abdulvohidxursanov@gmail.com  
+998939308010

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13802457>

#### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> September 2024  
Accepted: 19<sup>th</sup> September 2024  
Online: 20<sup>th</sup> September 2024

#### KEYWORDS

Марказий Осиё, Россия империяси, Туркистон, чорвачилик, Қашқадарё, воҳа, урф-одат, А.П.Хорошхин, А.Шахназаров, В.Н.Оглоблин.

#### ABSTRACT

*Ушбу мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистондаги чорвачиликнинг аҳволи хусусидаги рус тадқиқотчиларининг ёзиб қолдирган маълумотлари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, унда келтирилаётган маълумотлар бир қанча илмий адабиётлар таянилган ҳолда Қашқадарё воҳаси мисолида қўриб чиқилган.*

Чорвачилик ва у билан боғлиқ маросимлар қадимдан Марказий Осиё аҳолиси ҳаёт тарзида муҳим аҳамият касб этган. Мазкур соҳа анъанавий хўжалик юритишнинг энг қадимги қўринишлари ва тирикчилик манбани белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири бўлган. Чорвадорларнинг турмуш тарзи ва ушбу машғулот билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар этнографик материаллар асосида маълум даражада ўрганилган бўлса-да, у билан боғлиқ қадимий диний тасаввурлар ва эътиқодий қарашлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ҳанузгacha изчил ва маҳсус тадқиқ этилмаган.



Халқнинг кундалик турмуш тарзида ўзига хос мавқеига эга бўлган чорвачиликнинг Қашқадарё воҳасидаги тарихий асосларини тадқиқ этиш бугунги кунда тарих фанининг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Қашқадарё воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим этнографик минтақа ҳисобланади. Воҳанинг қулай географик ўрни, табиий иқлим шароити азал-азалдан хилма хил маданиятлар ва анъаналарнинг уйғуналашган ҳолда шаклланишига сабаб бўлган.

Маълумки, миллий қадриятлар ота- боболаримиз томонидан яратилиб, асрлар давомида сайқал топган. Бугунги кунгача етиб келган чорвачилик соҳалари, у билан боғлиқ урф-одатлар, ёзма манбалар ҳамда халқ оғзаки ижодиёти намуналари ўзбек халқи тафаккурининг буюк ютуғидир.

Дарҳақиқат, Қашқадарё воҳасида яшовчи аҳоли ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлиқ жараёнлар кўплаб ёзма манбаларда акс этган. Ёзма манбаларда ҳудуд тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотларни учратишимиш мумкин. Воҳа чорвадорлари қадимги тарихи, урф-одат ва маросимларини ўрганишдаги асосий муаммолардан бири шуки, қадимги чорвадорлар ўзлари ҳақида ёзма манбалар қолдирмаганлар.

Ота-боболаримиз азал-азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Қадимги юонон тарихчиларининг асарларида ҳам Марказий Осиё чорвадор халқлари урф-одатлари ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Мил. авв. V асрда яшаган юонон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” асари (I, III, VII, IX жилдлари) да тилга олинган сак (скиф), массагет, хорасмий, маргуш, суғд, парикан каби ўтроқ ва кўчманчи халқлар, массагетларнинг хўжалиги, турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари ҳақидаги маълумотлар қимматлидир<sup>1</sup>[1: 219-232].

Туркистондаги чорвачилик ҳақида сўз борганда, ўлкамиз Россия империяси томонидан босиб олингач, бу воқеа унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига маълум даражада ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаганлигини ёдда тутиш зарур. Мазкур даврда хонликлар ўртасида тез-тез бўлиб турадиган ўзаро феодал урушларга барҳам берилди, озиқ-овқат тизими тартибга солинди, илғор фикрдаги рус зиёлилари ўзбекнинг тарихи, маданиятига зўр хурмат билан қарадилар ва уни ўргандилар. Рус тадқиқотчилари Туркистон ва унинг халқларининг тарихи ҳақида жилд-жилд қимматли китоблар ёзиб қолдирдилар.

Жумладан, рус маъмурлари томонидан 1871 йилда Россия ҳукумати миссияси таркибида Бухорога сафар қилган Л.Ф. Костенко эса Жиззах ва Чиноз ўртасида сақланиб қолган сардоба ва карвонсаройларнинг ўрни, ундан аҳолининг, айниқса чорвадорларнинг фойдаланиши ҳамда атрофдаги овуллар аҳолисининг машғулотлари ҳақида маълумотлар келтиради<sup>2</sup> [2:16-17].

А.П.Хорошхин ўзининг 1876 йилда ёзилган Туркистон ўлкасига оид мақолалар тўпламида тарихий ёдгорликларни қайд этиш баробарида тоғолди дашт ва чўл ҳудудида яшовчи аҳолининг этнографиясига оид фикрларни қолдирган<sup>3</sup> [3:398-402].

<sup>1</sup> Геродот. История в девяти книгах. Книга четвертая. М.; 1985. С. 219- 232.

<sup>2</sup> Костенко Л. Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. // Спб. 1871. С. 16-17.

<sup>3</sup> Хорошхин А. П. Кызыл – кумский дневник // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. Спб. 1876. С. 398-402.



Шунингдек, унинг томонидан аҳолининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар негизида қишлоқ хўжалиги, суғориш тизими, меҳнат куроллари ҳамда уларнинг хўжалик анъаналари ҳақидаги маълумотлар талқин этилган.

1888 йилдаги Туркистонда амалга оширилган дастлабки қишлоқ аҳолисини рўйхатга олишга оид хужжатларида кўплаб маданий обьектлар қаторида воҳада яшовчи чорвадорларнинг овуллари ва аҳоли сони билан биргалиқда машғулотлари ҳақида ҳам қимматли фактлар бор<sup>4</sup> [4:16].

Рус тадқиқотчisi А. Шахназаров 1908 йилда нашр этилган ўзининг 27 бобдан иборат Туркистон ўлка қишлоқ хўжалигига бағишлиланган асарида қорамол етишириш, йилқишилик, қўйчилик, туячилик, ипакчилик, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва уларга қарши кураш каби масалаларни илгари суради<sup>5</sup> [5:512].

1893 йилдан бошлаб тадқиқотчи М. Вирский маъбул муҳаррирлигида Самарқанд вилояти статистика қўмитаси томонидан нашр этила бошланган ушбу тўпламларда Россия империяси маъмуриятининг турли вакилларининг, олимлар ва тадқиқотчилар мақолалари ва ҳисботлари бериб борилган.

В.Н. Оглоблин ўзининг “Промышленность и торговля Туркестана” (“Туркистон саноати ва савдоси”)<sup>6</sup> [6:19-46] деб номланган тадқиқотида рус сармоядорларининг ва ҳукуматининг Туркистонда саноат, ишлаб чиқариш ҳамда ўлканинг иқтисодий салоҳияти ва табиий неъматларидан катта даромад олиш мақсадида юритган қизғин савдо фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Тадқиқот яқунида В.Н.Оглоблин бу соҳалардан метрополия манфаатлари учун келажакда қандай даромад олиш мумкин ва қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлиги ҳақида ўз тавсияларини беради, бу эса асарнинг стратегик мақсадларда яратилганлигининг яққол исботидир.

В.Н.Оглоблин Туркистонга 1900 йилда ilk саёҳатидан кейин 1913 йилнинг баҳорида яна ўлкага келишга мушарраф бўлади. Бу эса унга сўнгги 10-11 йил давомида Туркистонда савдо ва саноат қандай ривожланганлигини аниқлаш имконини беради.

Дарҳақиқат, рус жамияти Ўрта Осиё худудини босиб олишда ўлканинг бой табиатидан фойдаланишга жуда катта умид қилган эди. Туркистонда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг фойдали соҳаларидан бири ҳисобланади. Туркистонда қўйчилик йилдан йилга ўсиб бормоқда, айниқса, қоракўлчиликка эътибор кучаймоқда. Ашҳободдаги тажриба майдонида қўй наслини яхшилаш устида иш олиб борилиб, зотдор қўйлар Туркистоннинг узоқ-яқин қисмларига тарқатиляпти....Қоракўлчилик Туркистонда, айниқса, Бухоро хонлигининг Ҳисор ўлкасида кенг тарқалди. Биргина Фузор шаҳрининг ўзида ҳар йили 4-7 млн.рубл қийматидаги 1-1,5 млн.қоракўл териси олинмоқда<sup>7</sup>[7:362].

Темир йўл қурилиши билан Туркистондан қоракўл олиб кетиш кучайди. Дастлабки йилларда қоракўлнинг нархи баланд бўлмай, маҳсулот тез сотилди ва бутун

<sup>4</sup> Сборник материалов для статистики Самаркандской области. Самарканд, 1890. С.16.

<sup>5</sup> Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. Спб. 1908. С.512

<sup>6</sup> Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. М., 1914. С.19-46.

<sup>7</sup> Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия.VI жилд (1860-1917-йиллар) Ўзбекистон тарихи ва манбалари. Т.: “O’zbekiston”, 2023. 362-б.



дунёга танилди. Қоракўлга талабнинг ўсиб бориши билан чорвадорлар қоракўл териси берадиган қўйларни ҳам кўпайтирдилар. Шу тариқа, Бухорода йилига 2-3 млн. қоракўл териси етиштириладиган бўлди. Бухоронинг 50-55 млн.рублга тенг келадиган савдо айланмасидан қоракўл савдоси 17-18 млн.рублни ташкил қилди.

Ҳисор қоракўли нафақат Бухоро, балки Нижегород ва Москва бозорларининг ҳам фахрига айланди. У ўзининг алоҳида сифатлари бутун дунёга машхурдир. Россиянинг жанубий губерниялари, шунингдек, Фарбий Европанинг кўпчилик тадбиркорлари Бухордан қоракўл қўйларини олиб кетиб, ўз ерларида қоракўлчиликни ривожлантиришга қилган ҳаракатлари зое кетди, чунки қоракўл қўйлари Европада қисқа вақт ичida ўзгариб кетди. Қоракўл қўйлари фақат Туркистон, айниқса, Бухоро яйловларида ва бу ер иқлими шароитида ўз наслини сақлаб қолади...

Умуман олганда, Туркистонда пахтачилик ва боғдорчиликнинг жуда фойдали бўлганлиги боис, келажакда ўлкада чорвачиликни ривожлантиришга куч сарфлаш зарур эмас (Еттисув вилояти бундан мустасно), боз устига мавжуд яйловлар пахта, узум, тамаки етиштириш ва боғларга берилиб, қисқариб бормоқда. Келажакда Туркистонга гўштни Сибир, Еттисув вилояти, Мўғулистан ва Россиянинг Европа қисмидан музлаткичли вагонларда олиб кетиш мумкин<sup>8</sup> [7:363].

Туркистонда, жумладан Қашқадарё воҳасида XIX аср охири XX аср бошларида чорвачиликнинг етакчи тармоқлари қўйчилик, йилқиличик, қорамолчилик ва эчкичилик бўлган, бундан ташқари туялар ҳам оз миқдорда боқилган. Саёҳатчи олим Е.К.Мейендорфнинг “Оренбургдан Бухорога саёҳат”<sup>9</sup> [8:182] номли китобида Бухоро амирлигининг қишлоқ хўжалиги, аҳолининг хўжалик ҳаёти, уй-жойлари, кийим-кечаклари ва таомлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, Х.Вамбери Хива, Бухоро, Самарқандга саёҳати давомида маҳаллий аҳолининг кийим-кечаги, таомлари, урф-одатлари ҳақида ўзининг қимматли маълумотларини ёзиб қолдирган. Муаллиф бошқа таомлар сингари ...“қовурилган қўй ва от гўштлари”<sup>10</sup> [9: 12-174] маҳаллий аҳоли севиб истеъмол қилишини ўз эсдаликларида ёзиб қолдирган.

Америкалик дипломат Южин Скайлернинг “Туркистон: Россия Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари” асари XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга саёҳати давомида ўзининг кўрган- кечирганлари асосида ёзилган. Китоб икки жилда нашр қилинган<sup>11</sup> [10]. Ю.Скайлер ўтмишдаги ва ўзига замондош тарихчилардан фарқ қилиб, туркистонликларнинг ҳаққоний ҳаётига қизиқади. Унда геология, табиий география, иқтисодий ўсиш хусусиятлари, савдо, ўлкага олиб кирилган ва олиб чиқилган маҳсулотлар, ҳунармандчилик турлари ҳақида атрофлича маълумотлар

<sup>8</sup> Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия.VI жилд (1860-1917-йиллар),( Ўзбекистон тарихи ва манбалари). Т.: “O‘zbekiston”, 2023. 363-b.

<sup>9</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. М.: “Наука”, 1875. С.182c.

<sup>10</sup> Вамбери А. Очерки по Средней Азии.-СПБ., 1865; Путешествие в Бухару. М., 1886. С.12-174.

<sup>11</sup> <http://book.uz/turkiston>. 31.01.2022. Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Buxara and Kuldja. London, 1876. Vol. I. P.9.



мавжуд<sup>12</sup>[11]. Туркистон халқларнинг этник таркиби, ўлка табиати, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик, ҳунармандчилик маҳсулотларидан гилам, кигиз, жун рўмоллар, чодир, эгар, пичоқ, этикдўзлик, кулолчилик, бўз, олача, қалама, беқасам, адрес, шойи, ипак, духоба каби матоларнинг ранги, тўқилиши, кийим- кечаклар, заргарлик буюмлари, ошхона идиш-товоқлари, аҳолининг урф- одатлари, турмуш тарзи борасида қизиқарли маълумотлар ҳар қандай китобхонни ўзига жалб қиласиди<sup>13</sup>[12:130-143].

Хулоса қилиб айтганда, хорижий адабиётлар таҳлили воҳа аҳолисининг моддий маданиятидаги ўзгаришлар, асосан ҳудудда юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва табиий географик муҳит билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатади. Ушбу мавзунинг тарихшунослик таҳлилидан шу нарса англашиладики, Қашқадарё воҳаси чорвадорларининг урф-одат ва маросимларига оид илмий изланишлар Ўзбекистон тарихи ва археология фанлари нуқтаи назаридан маълум бир изчиллиқда тадқиқ қилинган бўлсада, чорвадорлар этнографияси ва уларни минтақавий ҳусусиятлари этнологик жиҳатдан нисбатан кам тадқиқ этилган.

### **References:**

1. Геродот. История в девяти книгах. Книга четвертая. М.; 1985.
2. Костенко Л. Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. // Спб. 1871.
3. Хорошхин А. П. Кызыл - кумский дневник // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. Спб. 1876.
4. Сборник материалов для статиситки Самаркандинской области. Самарканда: 1890.
5. Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. Спб. 1908.
6. Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. М., 1914.
7. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия.VI жилд (1860-1917-йиллар) Ўзбекистон тарихи ва манбалари. Тошкент.: “O’zbekiston”, 2023.
8. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. М.: “Наука”, 1875.
9. Вамбери А. Очерки по Средней Азии. СПб., 1865; Путешествие в Бухару. М., 1886.
10. <http://book.uz/turkiston>. 31.01.2022. Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Buxara and Kuldja. London, 1876. Vol. I. P.9.
11. <http://book.uz/turkiston>.
12. Скайлер Южин. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари. Тошкент: “O’zbekiston”, НМИУ, 2019.

<sup>12</sup> <http://book.uz/turkiston>.

<sup>13</sup> Скайлер Южин. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари. Тошкент: “O’zbekiston”, НМИУ, 2019.– Б.78-82, 130-143.